

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.V.02.08
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

ШЕРНАЗАРОВ ШАВКАТ ШУХРАТОВИЧ

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДАГИ БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИКЛАРИ
АЛЬГОФЛОРАСИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ**

03.00.05 – Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Шерназаров Шавкат Шухратович

Самарқанд вилоятидаги балиқчилик хўжаликлари альгофлораси ва унинг аҳамияти 3

Шерназаров Шавкат Шухратович

Альгофлора рыбного хозяйства Самаркандской области и её значение 21

Shernazarov Shavkat Shukhratovich

Algoflora of fisheries Samarkand region and its significance 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 42

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.V.02.08
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

ШЕРНАЗАРОВ ШАВКАТ ШУХРАТОВИЧ

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДАГИ БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИКЛАРИ
АЛЬГОФЛОРАСИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ**

03.00.05 – Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.PhD/B272 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд ветеринария мудицинаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.samdu.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хамдамов Искандар
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хайдаров Хислат Қудратович
биология фанлари доктори, профессор

Бўриев Сулаймон
биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.B.02.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «20» 08 кунли соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 130015, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 3-уй. Самарқанд давлат университети биология факултети мажлислар зали. Тел.: (+99866) 239-13-78, факс (+99866) 239-11-4, E-mail: rector@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (92 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 130015, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони кўчаси, 15-уй, Тел.: (+99866) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2021 йил «07» 08 кунли тарқатилди.
(2021 йил «07» 08 даги 18 -рақамли реестр баённомаси



З. Ражамуродов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор

М.С. Кузиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.ф.д., доцент

Х.Қ. Хайдаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда аҳолини арзон, сифатли ва экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, сунъий сув ҳавзаларида биологик хилма-хиллик барқарорлигини сақлаш, айниқса балиқчилик тармоғини ривожлантириш учун озиқа базасини мустаҳкамлаш катта аҳамиятга эга. Бу ўринда, сунъий сув ҳавзалари биологик хилма-хиллигини сақлаш, бойитиш, гидробионтларнинг табиий ривожланишини таъминлаш ҳамда арзон, экологик тоза усуллар орқали балиқ маҳсулдорлигини ошириш, балиқ боқиладиган сунъий сув ҳавзалари гидробиологик хусусиятларини аниқлаш, альгофлоранинг замонавий ҳолатини аниқлаш, инвентаризация қилиш, шаклланиш қонуниятларини изоҳлаш, альгофлора таркибидаги турларнинг мавсумий ва миқдорий кўрсаткичларини баҳолашнинг самарадор усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда антропоген таъсир кучли бўлган ҳудудлардаги сунъий сув ҳавзалари альгофлораси ҳолатини аниқлаш, аҳолини арзон, сифатли ва экологик тоза балиқ маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида балиқчилик ҳовузлардаги озиқабоп сувўтларни миқдорий ва мавсумий хусусиятларини баҳолаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, аҳоли зич жойлашган ҳудудлардаги сунъий сув ҳавзалари биологик хилма-хиллигини сақлаш, унинг барқарорлигини таъминлаш, балиқ маҳсулотларини етиштиришда маҳаллий ва экологик тоза озиқалардан фойдаланишда самарадор технологияларни ишлаб чиқиш, балиқчилик ҳовузларининг гидробиологик хусусиятларини аниқлаш, балиқчилик ҳовузлари альгофлораси таркибини аниқлаш, ўтхўр балиқлар учун озиқабоп турларни мавсумий ва миқдорий хусусиятларини баҳолаш орқали балиқ маҳсулдорлигини ошириш бўйича соҳада фойдаланиш учун тавсиялар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда ўтхўр балиқлар парваришланаётган сунъий сув ҳавзаларидаги гидробионтларнинг биологик хилма-хиллигини мониторинг қилиш, ундаги ўзгаришларни баҳолаш, инвентаризациялаш, озиқабоп сувўтларни ўтхўр балиқлар озиқаланишидаги аҳамиятини изоҳлаш ҳамда уларни маҳсулдорлигини оширишда самарадор технологияларни қўллаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ “...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни муттасил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотни ишлаб чиқаришни кенгайтириш” бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Бу борада, Самарқанд вилояти балиқчилик ҳовузлари альгофлорасининг замонавий таксономик таркибини аниқлаш, инвентаризация қилиш, тўйиниш манбаси турлича бўлган ҳовузлар альгофлорасининг шаклланишига экологик

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

омиллар ролини асослаш, ўтхўр балиқ турлари учун озикабоп фитопланктонларнинг мавсумий ва микдорий хусусиятларини баҳолаш, уларнинг биомассасини ошириш орқали балиқ маҳсулдорлигини кўпайтиришнинг самарадор технологияларини ишлаб чиқиш муҳим илмий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги ПҚ-2939-сон “Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 сентябрдаги 719-сон “Балиқчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги, “Чорвачилик ва балиқчилик тармоқларининг озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларида тўғрисида” ги 2017 йил 18 октябрдаги 845-сонли ҳамда “Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2018 йил 2 июлдаги ПҚ-3823-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сунъий сув ҳавзалари, жумладан балиқчилик ҳовузлари альгофлоранинг таксономик, флористик, экологик ва географик хусусиятлари, фитопланктонларнинг балиқлар озикланишидаги аҳамияти ҳамда уларнинг мавсумий ва микдорий динамикасини ўрганиш қатор хорижий олимлардан Krammer, Lange-Bertalot (2004, 2011), O.Negewald (2005), J.Komarek, J.Kostovsky, J.Mares, J.Johansen (2014), МДХ олимларидан Т.В.Догадина, Е.Ю.Брезгунова (2010), Е.Охрименко (2012), М.С.Куликовский (2016), М.Бобоев (2018), С.С.Баринаова (2019) ва бошқаларнинг ишларида ёритилган. Ўзбекистон ҳудудидаги сунъий сув ҳавзалари жумладан, балиқчилик ҳовузлари альгофлораси ҳамда унинг балиқчиликдаги аҳамияти А.Э.Эргашев (1974), С.А.Халилов (1976), А.Темиров (1996), Х.А.Алимжанова (2005), Х.Эролова, А.Қобилов (2020), Д.Қошанов (2020), Ж.Ж.Собиров (2020) ларнинг ишларида қайд этилган. Самарқанд вилояти сув ҳавзалари альгофлораси И.А.Киселев (1929), Е.И.Киселева (1930), В.И.Полянский (1950), А.М.Музафаров (1963), Р.Ш.Шоёқубов (1980), Й.Ш.Ташпулатов (2015, 2018) лар томонидан олиб борилган.

Илмий манбаларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, олиб борилган илмий тадқиқот ишлари Самарқанд вилоятидаги балиқчилик ҳовузлари альгофлорасининг таксономик, флористик, экологик, географик хусусиятларини ҳамда турли типдаги сув ҳавзалари альгофлорасини шаклланишида экологик омилларнинг ролини очиб бераолмайди. Шу нуқтаи назардан, Самарқанд вилоятидаги балиқчилик ҳовузлари альгофлорасини

тўлиқ инвентаризация қилиш, электрон базалар ёрдамида замонавий таксономик ўрни аниқлаш, турли типдаги балиқчилик ҳовузлари альгофлорасини шаклланиш хусусиятларини очиб бериш ҳамда фитопланктонларни балиқлар озикланишидаги аҳамияти ҳамда балиқ ҳовузларида фитопланктонларни кўпайтириш чора тадбирлари ишлаб чиқиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №Ф-5-10 “Ўзбекистон тўқайзорлари ўсимликларининг хилма-хиллиги ва келиб чиқишини ўрганиш” (2012-2016) фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Самарқанд вилояти балиқчилик ҳовузлари альгофлорасини турлар таркибини аниқлаш ҳамда унинг оқдўнгпешона балиғи озикланишидаги аҳамиятини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифаси:

Самарқанд вилояти балиқчилик ҳовузлари альгофлорасининг турлар таркибини аниқлаш ва таксономик таҳлил қилиш;

турли типга мансуб балиқчилик ҳовузлари альгофлорасини экологик омиллар таъсирида шаклланиш хусусиятларини қиёсий ўрганиш;

балиқчилик ҳовузлари альгофлорасининг экологик ва географик хусусиятларини таҳлил қилиш;

оқ дўнгпешона балиғи ошқозон-ичагидаги сувўтлар таркиби, миқдори ва мавсумий хусусиятларини ўрганиш;

ҳовузларда фитопланктонларни интенсив усулда табиий кўпайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд вилояти балиқчилик ҳовузлари альгофлораси олинган.

Тадқиқотнинг предмети Самарқанд вилояти балиқчилик ҳовузлари альгофлорасининг таксономияси, флористикаси, экологияси ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда мавсумий маршрутли экспедиция, замонавий альгологияда кенг фойдаланилаётган *algabase* электрон базаси, очик сув ҳавзаларининг гидробиологик тадқиқот услублари, статистик ва лаборатория таҳлиллари қўлланилган.

Диссертация тадқиқотининг илмий янгиллиги куйидагилардан иборат:

илк бор Самарқанд вилояти балиқчилик ҳовузлари альгофлораси таркибида сувўтларнинг 258 тур ва тур хиллари (256 тур, 2 форма) аниқланган ва инвентаризация қилинган;

Самарқанд вилояти балиқчилик ҳовузлари альгофлораси таркибидаги фитопланктонларнинг шаклланиш хусусиятлари экологик омилларга боғлиқлиги асосланган;

оқдўнгпешона балиғи ошқозон-ичагидаги фитопланктонларнинг турлар таркиби аниқланган, ҳамда уларнинг миқдори ва мавсумий хусусиятлари очиб берилган;

ўтхўр балиқлар парваришланаётган ҳовузларда фитопланктонларни интенсив кўпайтириш орқали балиқ чавоқларининг ривожланиш барқарорлигини таъминлаш ҳамда оқдўнгпешона балиғинининг маҳсулдорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

оқдўнгпешона балиғи озикланишида фитопланктонларнинг ўрни ҳамда уларни ўтхўр балиқ чавоқларининг ўсиши ва ривожланишидаги аҳамияти очиқ берилган;

балиқчилик ҳовузларида фитопланктонларни табиий кўпайтириш, уларнинг мавсумий ва миқдорий динамикасини бошқариш орқали балиқ чавоқлари ривожланишини жадаллаштириш ва оқ дўнгпешона балиғининг маҳсулдорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий усулларнинг қўлланилганлиги, олинган натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, олинган маълумотларнинг балиқ етиштириш билан шуғулланувчи ташкилотлар фаолиятига киритилганлиги, тадқиқот натижаларининг тегишли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илк бор Самарқанд вилояти балиқчилик ҳовузлари альгофлораси турлар таркиби аниқланиб, тўлиқ инвентаризация қилинганлиги, замонавий электрон базалар ёрдамида сувўтларнинг систематик ўрни аниқланганлиги, ҳовузлардаги альгофлоранинг шаклланиш хусусиятлари асосланганлиги ва альгофлоранинг таксономик, экологик, географик хусусиятлари очиқ берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти оқдўнгпешона балиғининг озикланиш жараёнларида фитопланктонлар миқдорий ва мавсумий жиҳатлари очиқ берилганлиги ва ҳовузларда фитопланктонларни кўпайтириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Самарқанд вилояти балиқчилик хўжаликлари альгофлораси ва унинг аҳамияти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ҳовузларда парваришланаётган балиқ чавоқлари ва оқ дўнгпешона балиғининг озикаси ҳисобланган фитопланктонларни табиий кўпайтириш бўйича тавсиялар “Самарқандбалиқсаноат” МЧЖ фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 4 декабрдаги 02/23-400-сон маълумотномаси). Натижада, балиқлар учун зарарли фитопланктонлар ривожланишини камайтириш, озикабоп турлар биомассасини кўпайтириш ҳамда балиқ маҳсулдорлигини ошириш имконини берган;

фитопланктонларнинг ривожланишига таъсир этувчи экологик омиллар (сувнинг ҳарорати, тиниқлик даражаси, рН, минерализация, грунт хусусиятлари) нинг роли ҳамда ҳовузлар альгофлорадаги индикатор-сапроб турлар асосида балиқчилик ҳовузларининг ифлосланиш даражасини белгилаш Самарқанд вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш

бошқармаси фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2021 йил 11 мартдаги 04-02/8-981-сон маълумотномаси). Натижада, балиқ боқиладиган сунъий ҳовузлар суви ҳолатини экологик баҳолаш ҳамда мавсумий мониторингни олиб бориш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш нашр этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 109 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Сунъий сув хавзалари альгофлораси ва унинг аҳамияти» деб номланган биринчи бобида Ўзбекистон ҳамда бошқа республикаларда сунъий сув хавзалари альгофлорасининг ўрганилиши, улардаги фитопланктонларнинг турлар таркиби, таксономияси, флористикаси ҳамда озиқабоп турларнинг мавсумий ва миқдорий динамикаси тўғрисида олиб борилган илмий тадқиқот ишлари кенг таҳлил этилган. Ҳудудда олиб борилган альгологик тадқиқотлар таҳлиliga кўра Самарқанд вилоятидаги балиқ боқиладиган ҳовузлар альгофлораси алоҳида тадқиқ этилмаган, унинг таксономик, флористик, географик ва экологик хусусиятлари ўрганилмаган. Бундан ташқари Самарқанд вилояти балиқчилик ҳовузларида альгофлорасини оқдўнгпешона балиғининг озиқланишидаги аҳамияти очиб берилмаган.

Диссертациянинг «Самарқанд вилоятининг табиий географик тавсифи. тадқиқот объекти ва услублари» номли иккинчи бобида ҳудуднинг географик ўрни, рельефи, тадқиқотнинг объекти, материаллари ва ўрганиш услублари ҳақида маълумотлар келтирилган. Тадқиқотлар ва илмий экспедициялар (2016-2020 йй.) давомида Самарқанд вилоятидаги йирик ва

Диссертациянинг “Балиқчилик ҳовузлари альгофлорасининг таҳлили” деб номланган учинчи бобининг биринчи бўлимида Самарқанд вилоятидаги ўрганилган балиқчилик ҳовузлари альгофлораси таркибида 258 тур ва тур хиллари (256 тур, 2 форма) аниқланди. Таҳлилларга кўра 5 бўлим (Cyanoprocarota, Dinophyta, Bacillariophyta, Euglenophyta, Chlorophyta), 10 аждод 31 қабила 59 оила 126 туркум мансуб (1-жадвал).

1-жадвал

Балиқчилик ҳовузлари альгофлорасининг таксономик таркиби

Сувўтлари бўлими	Таксономик бирликлар сони							
	Аждод	Қабила	Оила	Туркум	Тур	Тур хили	Жами	% да
						форма		
Cyanoprocarota	1	5	17	38	69	-	69	26,74
Dinophyta	1	2	2	5	7	-	7	2,72
Bacillariophyta	3	11	19	44	95	2	97	37,60
Euglenophyta	1	1	2	5	15	-	15	5,81
Chlorophyta	4	12	19	34	70	-	70	27,13
Жами:	10	31	59	126	256	2	258	100

Таксономик таҳлилларга кўра, турлар сони жиҳатидан Bacillariophyta бўлими етакчи ҳисобланади. У 97 тур ва тур хилларини ўз ичига олади. Улар альгофлоранинг 37,60% ни ташкил этди. Кейинги ўринларни Chlorophyta (70 тур, 27,13%), Cyanoprocarota (69 тур, 26,74%), Euglenophyta (15 тур, 5,81%), Dinophyta (7 тур, 2,72%) бўлимлари эгаллади.

Етакчи таксонларнинг таҳлилига кўра тадқиқотлар олиб борилган балиқчилик ҳовузларида жами 59 оила аниқланди. Шундан 22 (37,28 %) оила турлар сони бўйича етакчилик қилган. Бу оилалар 179 (69,38 %) турни ўзи ичига олади. Оилалар орасида Oscillatoriaceae (17 тур, 6,59%), Bacillariaceae (16 тур, 6,20%), Fragilariaceae (15 тур, 5,81%), Symbellaceae (10 тур, 3,87%) яққол етакчилик қилиши аниқланди. Қолган 37 (30,62 %) оилалардан 1-4 тадан турлар мавжуд. Альгофлора таркибидаги жами 126 туркумдан 18 таси етакчилик қилиши аниқланди. Етакчи деб ажратиб олинган туркумлар жами туркумларнинг 14,28 % ҳисобланади. Бу туркумлар альгофлорадаги 100 (38,76 %) турни ўз ичига олган. Улардан *Nitzschia* Hassall (14 тур; 5,43%), *Closterium* (8 тур; 3,10%), *Cosmarium* (7 тур; 2,71%), *Phormidium* Kützing ex Gomont (7 тур; 2,71%) каби туркумлар яққол етакчилик қилган.

Бобнинг иккинчи бўлими альгофлоранинг флористик таҳлили унинг шаклланиш хусусиятларига бағишланган. Вилоятдаги балиқчилик ҳовузларнинг экологик хусусиятлари, сувининг тўйиниш характери, иклими, тупроқ-грунт шароитлар бир биридан сезиларли фарқ қилади. **Оқдарё сув омборида** сувўтларнинг 83 тури тарқалган бўлиб, улар 4 бўлим 8 аждод 24

қабила 36 оила 69 туркумга мансуб (2-жадвал). Сув омбори альгофлораси таркибида *Nitzschia* Hassall (4 тур), *Ulothrix* (4 тур), *Cosmarium* (4 тур), *Spirogyra* Turpin ex Gomont (4 тур), *Oscillatoria* Vaucher ex Gomont (3 тур) туркумлари турлар сони бўйича етакчилик қилади. Етакчи ҳисобланган 5 туркум жами 19 (22,89 %) турни бирлаштиради. Оқдарё сув омбори альгофлораси таркибида, *Oscillatoria limosa* C.Agardh ex Gomont, *Oscillatoria planctonica* Woloszynska, *Spirulina meneghiniana* Zanardini ex Gomont, *Spirulina gomontiana* Kützing, *Synedra ulna* Nitzsch, *Navicula cryptocephala* Kützing Grun. каби турлар доминантлик қилиши аниқланди. Оқдарё сув омбори бевосита Зарафшон дарёси ўзанида жойлашган бўлиб, альгофлорасининг шаклланиши хусусиятлари: дарё → сув омбори; дарё → коллектор-зовур → сув омбори; дарё → канал → шопопялар → сув омбори; аҳоли маиший оқова сувлари → сув омбори каби тартибда бўлган. **Қорасув сув омбори** альгофлораси таркибида 121 тури аниқланди. Улар 5 бўлим 10 аждод 27 қабила 46 оила 84 туркумга мансуб. Альгофлора таркибида *Lindavia bodanica* Eulenstein ex Grunow, *Cyclotella meneghiniana* Kützing, *Peridiniopsis quadridens* (F.Stein) Bourrelly, *Peridinium pusillum* (Pénard) Lemmermann, *Euglena caudate* E.F.W.Hübner, *Gonium pectorale*, *Pediastrum duplex* Meyen, *Coelastrum microporum* Nägeli, *Oedogonium intermedium* Wittrock ex Hirn каби турлар аниқланди. Қорасув сув омбори альгофлорасининг шакллашгани: тоғ сойлари → сув омбори; кириш канали → сув омбори тарзида намоён бўлган. **Пастдарғом балиқчилик ҳовузли** альгофлорасида 127 тур аниқланди, улар 5 бўлим 11 аждод 27 қабила 52 оила 100 туркумдан иборат. Ҳовузлар альгофлорасида *Nitzschia* Hassall (6 тур), *Euglena* Ehrenberg (6 тур), *Cosmarium* Corda ex Ralfs (5 тур), *Oscillatoria* Lemmermann (4 тур), *Phormidium* Gomont in Bornet (4 тур), *Fragilaria* Lyngbye (4 тур), *Ulnaria Compère* (4 тур), *Phacus* Dujardin (4 тур), *Gomphonema* Kützing (4 тур), *Gyrosigma* Hassall (3 тур), *Chlamydomonas* Ehrenberg (3 тур), *Closterium* Nitzsch ex Ralfs (3 тур) *Merismopedia* Meyen (3 тур), *Spirulina* Turpin ex Gomont (3 тур) туркумлари кенг тарқалган. Пастдарғом балиқчилик ҳовузли альгофлорасининг шаклланиши куйидаги тартибда боради: дарё → канал → балиқчилик ҳовузи; дарё → ариқ → балиқчилик ҳовузи; дарё → канал → экинлардан чиқадиган оқова сувлар → балиқ ҳовузли. **Каттақўрғон балиқчилик ҳовузли** альгофлорасида 164 тур тарқалганлиги маълум бўлди. Улар 5 бўлим 9 аждод 26 қабила 51 оила 98 туркумдан иборат. Альгоценозда *Melosira varians* Agardh, *Aulacoseira granulate* Simonsen, *Odontidium anceps* Ralfs in Pritchard, *Cocconeis pediculus* каби диатомлар, *Pseudopediastrum boryanum*, *Tetraëdron minimum* Hansgirg, *Tetradesmus acuminatus* M.J.Wynne, *Closterium angustatum* Ehrenberg кенг ривожланган. Каттақўрғон балиқчилик ҳовузли альгофлорасининг шаклланиши дарё → канал → балиқчилик ҳовузли тартибда боради. **Пайариқ балиқчилик хўжалиги** альгофлорасидан 5 бўлим 11 аждод 25 қабила, 44 оила 71 туркумга мансуб 106 тур аниқланди. Мазкур ҳовузларда

Spirocoleus fragilis P.C.Silva, *Leibleinia epiphytica* Compère, *Calothrix brevissima* G.S.West, *Cyclotella meneghiniana* Kutzing, *Discostella stelligera* Houk, *Odontidium hyemale* Roth, *Peridiniopsis quadridens* J.Schiller, *Euglena gracilis* G.A.Klebs, *Chlamydomonas reinhardtii* P.A. Dangeard, *Volvox ehrenberg* Ehrenberg, *Willea apiculata* D.M. John кабилар кенг тарқалганлиги таъкидланган. Пайариқ балиқчилик хўжалиги альгофлораси қуйидаги тартибда шаклланган сув омбори → балиқ ҳовузлари; дарё → канал → балиқ ҳовузлари; дарё → канал → экин майдонлари оқова сувлари → балиқ ҳовузлари. **Шўркўл балиқчилик ҳовузида** 111 тури аниқланди. Улар 5 бўлим 10 аждод 25 қабила 40 оила 73 туркум мансуб. Альгофлора таркибида *Leibleinia epiphytica* Compère, *Calothrix brevissima* G.S.West, *Cyclotella meneghiniana* Kutzing, *Odontidium hyemale* Kützing, *Peridiniopsis quadridens* Baurelly, *Euglena gracilis* G.A.Klebs, *Chlamydomonas reinhardtii* P.A. Dangeard, *Volvox ehrenberg* Ehrenberg, *Merismopedia elegans* A.Braun ex Kützing, *Spirulina princeps* G.S.West, *Microcystis protocystis* Elenk, *Oscillatoria planctonica* Woloszynska, *Fragilaria capucina* Desmazières, *Ulothrix limnetica* Lemmermann in Heering тарқалганлиги маълум бўлди. Мазкур ҳовуздаги альгофлора қуйидаги тартибда шаклланган: дарё → канал → экин майдонлари оқова сувлари → ҳовуз; дарё → канал → ариқ → ҳовуз. **Иштихон балиқ ҳовузлари** альгофлорасида 4 бўлим 10 аждод 21 қабила 41 оила 57 туркум 89 тури аниқланган (2-жадвал). Альгофлора таркибида *Cyclostephanos dubius* Round in Theriot, *Pantocsekiella kuetzingiana* K.T.Kiss, *Melosira varians* Agardh, *Aulacoseira ambigua* Simonsen, *Odontidium anceps* Ralfs in Pritchard, *Fragilaria crotonensis* Kitton, *Ceratium hirundinella* Dujardin, *Parvodinium pusillum* Carty кенг тарқалган. Бу ҳовузларда альгофлорани шаклланиши: дарё → балиқ ҳовузлари; дарё → канал → ариқлар → экин

2-жадвал

Самарқанд вилояти балиқчилик ҳовузлари альгофлораларининг қиёсий таксономик таркиби

Сув хавзалари	Бўлим	Синф	Тартиб	Оила	Туркум	Тур	% (258 турдан)
Қорасув сув омбори	5	11	27	46	84	121	46,89
Оқдарё сув омбори	5	8	24	36	69	83	32,17
Пастдарғом	5	11	27	52	100	166	64,34
Каттақўрғон	4	9	26	59	98	164	63,56
Пайариқ	5	11	25	44	71	106	41,08
Шўркўл	5	10	25	40	73	111	41,08
Иштихон	5	10	21	41	57	89	34,49

майдонлари оқова сувлари → балиқ ҳовузлири. Самарқанд вилоятидаги балиқчилик ҳовузлири альгофлорасининг шаклланиши хусусиятларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, альгоценозлар бир биридан сезиларли даражада фарқ қилади, ҳамда ҳар бирининг флористик таркиби, хилма-хиллиги, ундаги етакчи таксонларини ўзига хос равишда ўрин олганлиги билан ажратилиб туради. Бу хусусиятлар ҳовузларнинг тўйиниш манбаси, грунт хусусиятлари, боқилаётган балиқ турларига боғлиқ ҳолда ҳовузларни ўғитланиши (минерал ва органик), уларнинг эксплуатация вақти, сувнинг айланма динамикаси ҳамда ҳовузлардаги бошқа экологик омиллар (ҳарорат, сувнинг минераллашуви, рН, сувдаги муаллақ заррачалар, органик таркиби) альгофлоранинг ўзига хос шаклланишида муҳим рол ўйнайди.

Бобнинг учинчи бўлими **альгофлоранинг экологик таҳлилга** бағишланган. Альгофлорада фитопланктонларнинг яққол етакчилик қилиши (146 тур-56,58 %) маълум бўлди. Кейинги ўринларни фитобентослар (57 тур-22,48 %), факультатив фитоплантонлар (44 тур-17,06 %), перифитонлар (11 тур-4,26 %) эгаллаган. Ўрганилган сув ҳавзаларида фитопланктонлар салмоқли улушга эга эканлиги улар билан озиқланадиган балиқлар ва чавоқларнинг дастлабки озиқланиш босқичлари учун қулай шароит мавжудлигидан дарак беради.

Эвритермлар 132 (51,16 %), стенотермлар 126 (48,83 %) тани ташкил этди. **Стенотермлардан:** *Synechococcus elongates* Nägeli, *Merismopedia glauca* Kützing, *Discostella stelligera* Houk, *Fragilariforma virescens* D.M.Williams, *Peridiniopsis pygmaea* Baurelly, *Peridinium bipes* F.Stein, *Euglenaria caudate* Kwiatowski in Linton, *Phacus caudatus* Hübner, *Chlamydomonas atactogama* Korshikov in Pascher, *Closterium ehrenbergii* Meneghini ex Ralfs; **эвритермлардан:** *Aphanocapsa holsatica* G.Cronberg, *Chroococcus turgidus* Nägeli, *Lindavia bodanica* T.Nakov, *Pinnularia divergens* W.Smith, *Peridinium cinctum* Ehrenberg, *Parvodinium pusillum* Carty, *Euglena deses* Ehrenberg, *Edaphochlamys debaryana* Pröschold, *Volvox aureus* Ehrenberg кенг тарқалган. Балиқчилик ҳовузларида диатом сувўтлар йилнинг куз ёки эрта баҳор ойларида яхши ривожланади. Баҳорнинг ўрталаридан то кузнинг иккинчи ярмигача сувнинг ҳарорати деярли бир хил бўлиши кўк-яшил ва яшил сувўтларнинг барқарор ривожланишини таъминлаган. Шу боисдан стенотермлар ҳисобланган диатомлар доимий равишда балиқчилик ҳовузларида турлар сони бўйича етакчилик қила олмайди.

Альгофлора таркибида 16 та галофил, 15 мезогалоб, 6 галофоб, 3 олигогалоб ва 94 индифферент турлар учраши аниқланган. Балиқ ҳовузлири дарё, каналлар ва бошқа сув манбаларидан тўйингани, сувининг алмашинув тезлиги пастлиги, ҳажмини нисбатан кичиклиги ҳисобига галофил ва мезогалоб турлар нисбатан кўпроқ тарқалган. Индифферент турлар барча типдаги сув ҳавзаларида тарқалганлиги билан характерланади. Каттақўрғон ва Пастдарғом балиқчилик ҳовузлири альгофлорасида галофил ва мезогалоб турлар сезиларли даражада етакчилик қилади.

Балиқчилик ҳовузлари альгофлораси таркибида **индикатор-сапроб турлар**нинг жами 144 тур (55,81 %) мавжудлиги аниқланди. Уларнинг 66 тур олигосапроб, 42 бета-мезосапроб, 22 ксеносапроб, 14 альфа-мезосапроблар ҳисобланади. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, ксено- ва олигосапроб турлар асосан дарёдан билан тўйинадиган Оқдарё сув омбори, Иштихон балиқчилик ҳовузларида ҳамда Қорасув сув омборида нисбатан кўпроқ учрайди. Бета- ва альфа-мезосапроб турлар аҳоли ва саноат оқова сувлари тушадиган, чуқур бўлмаган ҳамда сувининг даврий айланиши секин бўлган Пайариқ, Каттакўрғон ҳамда Пастдарғом балиқчилик ҳовузларида кузатилган.

Ўрганилган сув ҳавзаларида алкалифил турлар (36 тур) ацидофил турларга (16 тур) нисбатан кўпроқ бўлиб, 49 тур эса индифферент эканлиги маълум бўлди. Флораларнинг **фитогеографик структурасини** таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, космополит турлар 134 тур билан яққол етакчилик қилди. 5 голартик, 3 арктоальп, 3 бореал, 2 палеотропик ва 1 тур циркумбореал типга мансуб. Самарқанд вилояти балиқчилик ҳовузлари альгофлорасининг тўйиниши маълум бир миқдорда дарё орқали бўлиши, сув ҳавзалари орасидаги масофа катта эмаслиги ва бир минтақада (адир) жойлашганлиги космополит турларни кенг тарқалганлигини таъминлаган.

Диссертациянинг **“Балиқ боқиладиган ҳавзалар альгофлорасининг сув типлари бўйича таҳлили”** деб номланган тўртинчи бобда ўрганилган балиқчилик ҳовузлирининг экологик, географик, тўйиниш, грунт хусусиятлари боғлиқ ҳолда типларга ажратилган ҳолда альгофлоранинг шаклланиши жиҳатлари ёритилган.

Олинган таҳлиллар шуни кўрсатадики, ўрганилган сув типларининг хусусиятлари, флористик таркиби ва альгоценози ҳар бир типга мансуб сув ҳавзаларида фарқланади. Бу ҳолат сув ҳавзасининг тўйиниши, грунт хусусиятлари, сув миқдори ва унинг алмашинув режими, бир қатор экологик омиллар (ҳарорат, рН, сувдаги муаллақ заррачалар миқдори, органик ва минерал таркиби, биоген элементлар миқдори) ҳамда ҳавзада боқилаётган балиқ турларига боғлиқ. Шунга кўра сув ҳавзалари шартли равишда 3 типга ажратилди: 1. Сув омборлари; 2. Дарёдан ва каналлардан тўйинадиган ҳовузлар; 3. Турлича сув манбалардан тўйинадиган ҳовузлар.

Бобнинг биринчи бўлими **сув омборлари альгофлорасининг таҳлилига** бағишланган бўлиб, Оқдарё ва Қорасув сув омборларининг альгофлораси биргаликда таҳлил қилинган. Сув омборлар альгофлорасида 5 бўлим 10 аждод 32 қабила 60 оила 107 туркум 177 тур аниқланган (3-жадвал). Бу жами альгофлоранинг 68,60 % ни ташкил этади. Сув омборлари учун ўхшаш турлар сони 29 та бўлиб, сув омбори альгофлорасини 16,38 % ҳисобланади. *Synechococcus elongates* Nägeli, *Merismopedia elegans* A.Braun ex Kützing, *Coelosphaerium dubium* Grunow in Rabenhorst, *Lindavia bodanica* T.Nakov, *Cyclostephanos dubius* Cyclostephanos, *Ulnaria acus* Aboal in Aboal, *Chlamydomonas incerta* Pascher, *Pandorina morum* Bory, *Tetraëdron regulare*

Kützing кабилар шулар жумласидан. Сув омборлари учун ўхшаш турлар кўпчиликни ташкил этмайди. Буни Оқдарё сув омборини дарё ўзанида жойлашганлиги, сувнинг айланма динамикаси Қорасув сув омбориникига қараганда анча тезлиги ҳамда Қорасув сув омбори асосан тоғдан келадиган катта кичик сойлардан тўйиниши билан изоҳланади.

Бобнинг иккинчи бўлими **дарёдан ва каналлардан тўйинадиган ҳовузлар альгофлорасининг таҳлили**ни акс эттирган. Таҳлил натижаларига кўра Пастдарғом ва Иштихон балиқчилик ҳовузларининг тўйиниш хусусиятлари ва экологик хусусиятлари ўзаро ўхшашлиги маълум бўлди. Мазкур балиқчилик ҳовузлари альгофлорасида 5 бўлим 10 аждод 32 қабила 58 оила 108 туркум 193 (74,80 %) тур аниқланди (3-жадвал). Иккала ҳудуд балиқчилик ҳовузлари учун ўхшаш турлар сони 61 тани ташкил этди. Улар жами флоранинг 31,60 % ни ташкил этди. Ўхшаш турларнинг 12 тури кўк-яшил 21 диатом, 11 эвглена, 17 тури яшил сувўтлар мансуб. Буларга: *Merismopedia elegans* A.Braun ex Kützing, *Synechocystis sallensis*, *Lindavia comta* T.Nakov, *Cyclostephanos dubius* Round in Theriot, *Pantocsekiella kuetzingiana* K.T.Kiss, *Euglena deses* Ehrenberg, *Chlamydomonas reinhardtii* P.A. Dangeard, *Tetradismus obliquus* M.J. Wynne лар мисол бўлади. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, Пастдарғом ва Иштихон балиқчилик ҳовузлари альгофлораси ўрганилган сув омборлар альгофлорасига нисбатан ўхшаш турларининг кўплиги билан характерланади. Бу ҳовузларни бир хил манбалар (Зарафшон дарёси ва ундан олинадиган каналлар, суғориш ариқлари) билан тўйиниши, грунт хусусиятлари, сувнинг экологик кўрсаткичлари бир бирига яқинлиги билан изоҳланади.

Бобнинг учинчи бўлими **турлича сув манбалардан тўйинадиган ҳовузлар альгофлорасининг таҳлили** ҳисобланиб, унда Пайариқ балиқчилик хўжалиги ҳовузлари, Шўркўл ҳовузи ҳамда Каттақўрғон балиқчилик ҳовузлари альгофлоралари таҳлил қилинган. Ушбу ҳовузлар атрофида аҳолининг зич жойлашганлиги ҳамда қишлоқ хўжалик экинларидан чиқадиган оқова сувларнинг тўғридан-тўғри балиқ ҳовузларига тушиши натижасида мазкур альгофлоранинг юқорида келтириб ўтилган бошқа типдаги ҳовузлар альгофлораларидан кескин фарқ қилиши аниқланган. Таксономик таҳлилларга кўра, ушбу альгофлорада 5 бўлим 10 аждод 33 қабила 60 оила 118 туркум 230 тур (89,14 %) мавжуд (3-жадвал). Мазкур балиқчилик ҳовузлари учун ўхшаш турлар сони 116 та (50,43 %). Ўзаро ўхшаш ва кенг тарқалган турларга *Synechococcus elongates* Nägeli, *Merismopedia elegans* A.Braun ex Kützing, *Anagnostidinema acutissimum* Strunecký, *Lindavia comta* Nakov, *Discostella stelligera* Houk, *Ctenophora pulchella* D.M. Williams, *Ulnaria capitata* Compère, *Navicula salinarum* Grunow, *Ceratium hirundinella* Dujardin, *Euglena deses* Ehrenberg, *E. gracilis* G.A.Klebs, *Eudorina elegans* Ehrenberg, *Monactinus simplex* Corda, *Tetraëdron trigonum* Hansgirg, *Stigeoclonium elongatum* Kützing кабиларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

**Самарқанд вилояти балиқчилик ҳовузлири альгофлорасининг қиёсий
таксономик спектри**

Кўрсаткичлари	Балиқчилик ҳовузлири типлари		
	Оқдарё ва Қорасув сув омборлари	Пастдарғом, Иштихон балиқ ҳовузлири	Пайарик, Шўркўл, Каттақўрғон балиқ ҳовузлири
Турлар сони/%	177/68,60*	193/74,80	230/89,14
Туркумлар сони/%	107/84,92**	108/85,71	118/93,65
Оилалар сони/%	57/96,61***	58/98,30	58/98,30
Туркумлардаги турлар ўртача сони	1,65	1,78	1,94
Оилалардаги турларнинг ўртача сони	3,10	3,33	3,96
Оилалардаги туркумларнинг ўртача сони	1,87	1,86	2,03
Ўхшаш турлар сони/%	29/16,38	61/31,60	116/50,43

Изоҳ: *жами турлардан % ҳисобида, **жами туркумлардан % ҳисобида, ***жами оилалардан % ҳисобида.

Турли типдаги сув манбалари билан тўйинадиган Пайарик, Шўркўл, Каттақўрғон балиқ ҳовузлири альгофлорасида турлар сонининг кўплиги унинг турли сув манбаларидан тўйиниши (айниқса аҳоли ва қишлоқ хўжалик экинларининг оқова сувлари), ҳовузларнинг нисбатан саёз, кичикроқ бўлиши, сувнинг айланма динамикаси сустлиги, сув ҳароратини нисбатан юқорилиги, ҳовузларнинг юксак сув ўсимликлари билан қалин қопланганлиги ҳамда бу ҳовузларда бир неча йиллардан буён балиқчиликка ихтисослаштирилганлиги билан изоҳланади.

Диссертациянинг “Альгофлоранинг балиқлар озикланишидаги аҳамияти” деб номланган бешинчи бобида Самарқанд вилоятидаги турли катталиқдаги балиқчилик ҳовузлирида боқилаётган окдўнгпешона балиғининг озикланишида фитопланктонларнинг роли уларнинг мавсумий динамикаси ҳамда озикабоп фитопланктонларни ўстиришга оид тадқиқот ишлари ёритилган.

Ўрганишлар давомида окдўнгпешона балиғи ошқозон-ичак аъзоларидан сувўтларни жами 102 тури аниқланган. Уларнинг 51 (50,00%) тури Chlorophyta, 28 (13,72 %) тури Bacillariophyta, 13 (26,47 %) тури Euglenophyta, 8 (7,84 %) тури Cyanoprocarvota ва 2 тури (1,96 %) Dinophyta бўлимларига мансуб. Окдўнгпешона балиғи озика спектри таркибида биомасса жиҳатидан эвглена ва кўк-яшил сувўтлар доминантлик қилади. Улар ёз ойларида ҳовузларни “гуллантиши” кузатилди. Сентябрь ойининг бошларида балиқнинг озика спектрини катта қисмини *Cyclotella meneghiniana* Kutzing ташкил этган. Таъкидлаш лозимки, сентябрь охирида тутилган окдўнгпешона балиғи озика спектри таркибини ўрганиш шуни кўрсатдики, бу даврга келиб диатомларнинг турлар сони ва биомассаси

жихатдан эвглена ва кўк-яшил сувўтларникидан анча камайиб кетади. Апрельда тутилган балиқлар ошқозон-ичагида фитопланктон анча кам. Окдўнгпешона балиғининг баҳордаги озуқа спектрида эвгленалар доминантлик қилди. Май ойида протококклардан *Scenedesmus quadricauda* Lagerheim, *S. bijugatus*, *S. arcuatus* var. *platydiscus*, *Crucigenia quadrata* Morren нисбатан кўп учради. 2019 йил май ойида *Euglena acus* O.F.Müller, *E. texta* Dujardin, *Stromobmonas acuminata* var. *verrucosa*, *Trachelomonas intermedia* Dangeard, *Phacus orbicularis* Stokes каби эвгленалар биомасса жихатидан яққол етакчилик қилди. Фитопланктонда оммавий ривожланган сувўтлар ўрганилган балиқлар озуқа тўппаси таркибида доимий равишда етакчилик қилиши билан характерланади.

Бобнинг Балиқчилик ҳовузларини ўғитлаш ва уни фитопланктонларни ривожланишидаги аҳамияти деб номланган бўлимида балиқ боқиладиган ҳовузлар альгофлорасида окдўнгпешона балиғи учун зарарли ҳисобланган фитопланктонлар кўпайиб кетганида қўлланиладиган чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва балиқчилик хўжаликлари учун тавсиялар тайёрланган. Унга кўра: 1. ҳовузлар сувига оҳак ташлаш; 2. 1000 м² майдондаги ҳовуз сувига 5 кг ҳисобида дастлаб аммиакли селитра кейин 1 м³ сувга 2 кг фосфорли ва калийли ўғитлар сепиш; (бу сувнинг ҳароратини сезиларли пасайишига олиб келади, озуқабоп фитопланктонларни ривожланишини таъминлайди, сувда эркин кислород миқдорини оширади); 3. иложи борича сув юзасидаги ипсимон сувўтларни грабель ва шунга ўхшаш асбоблар билан йиғиб олиш; 4. балиқ боқиладиган ҳовузларга турли қаттиқ ва оқова маиший чиқиндиларни тушишини олдини олиш; 5. оқ дўнгпешона балиғи билан бирга бошқа карпсимон балиқлар (зоғора, оқ амур ва бошқалар) боқиладиган ҳовузларга беда, бошоқли ўсимликларни ташламаслик (буларни ўрнига вақтинчалик комбикорма бериш). 6. Янги ташкил этилаётган балиқчилик ҳовузларида ёки янгитдан балиқлантирилиши режалаштирилаётган ҳовузларга кеч кузда гектарига 5-6 тонна чириган гўнг, 120-140 кг фосфорли ўғит солиб, ерни чизель билан ишлов берилиб, баҳорда сувга тўлдириш тавсия этилади.

ХУЛОСАЛАР

«Самарқанд вилоятидаги балиқчилик хўжаликлари альгофлораси ва унинг аҳамияти» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Самарқанд вилояти балиқчилик ҳовузлари альгофлорасида 258 тур ва тур хиллари (256 тур, 2 форма) аниқланди. Улар 5 бўлим 10 аждод 31 қабила 59 оила 126 туркум мансуб. Бўлимлар орасида Bacillariophyta (97) бўлими етакчилик қилиб, жами альгофлорани 37,60% ни ташкил этди. Кейинги ўринларни Chlorophyta (70; 27,13%), Cyanoprocarota (26; 26,74%), Euglenophyta (15; 5,81%) ва Dinophyta (7; 2,72%) бўлимлари эгаллади;

таҳлил натижаларига кўра турлар сони жиҳатидан 22 оила етакчи эканлиги аниқланди. Етакчи оилалар альгофлора таркибидаги 179 турни (69,38 %) ўзи ичига олади. Альгофлора таркибида 18 та етакчи туркумлар 100 турни ўз ичига олган.

2. Тўйиниш, грунт ва экологик хусусиятлари ўзаро ўхшаш балиқ ҳовузларининг таксономик таркиби қуйидагича бўлди: сув омборларида – 5 бўлим 10 аждод 32 қабила 60 оила 107 туркум 177 тур (жами альгофлорани 68,60 %); дарё ва каналлардан тўйинадиган балиқ ҳовузларида: 5 бўлим 10 аждод 32 қабила 58 оила 108 туркум 193 тур (74,80%); турли типдаги сув манбаларидан тўйинадиган балиқ ҳовузларида: 5 бўлим 10 аждод 33 қабила 60 оила 118 туркум 230 тур (89,14%).

3. Оқдарё ва Қорасув сув омборларида ўзаро ўхшаш турлар сони 29 та (16,38%), Пастдарғом, Иштихон балиқ ҳовузларида 61 тур (31,60%), Пайариқ, Шўркўл, Каттақўрғон балиқ ҳовузларида 116 тур (50,43%) ни ташкил этди. Пайариқ, Шўркўл, Каттақўрғон балиқ ҳовузлари альгофлорасининг турларга бойлиги унинг турли сув манбаларидан тўйиниши, ҳовузларни саёз, кичикроқлиги, сув ҳароратининг юқорилиги ҳамда сув айланма динамикасининг пастлиги билан изоҳланади;

таҳлиллар шуни кўрсатдики, ҳовузларда ўхшаш турлар 55 бўлиб, жами альгофлорани 21,32 % ни ташкил этди. Уларнинг 21 тури (38,18%) кўк-яшил, 13 (23,63%) яшил, 12 (21,81%) диатом ва 9 (16,36%) эвгленаларга мансуб.

4. Самарқанд вилоятидаги балиқчилик ҳовузлари альгофлорасининг флористик спектри, хилма-хиллиги, флоранинг мавсумий шаклланиши бир биридан фарқ қилади. Бу ҳовузларнинг тўйиниш манбалари, грунт хусусиятлари, ҳовузларнинг ўғитланиши, эксплуатация вақти, сувнинг айланма динамикаси ҳамда ҳовузлардаги бошқа экологик омилларга (ҳарорат, сувнинг минераллашуви, рН, сувдаги муаллақ заррачалар, органик таркиби) бевосита боғлиқ.

5. Альгофлора таркибида фитопланктонлар яққол етакчилик қилиши маълум бўлди (146 тур, 56,58%). Кейинги ўринларни фитобентос (57 тур, 22,48%), факультатив плантон (44 тур, 17,06%) ҳамда перифитонлар (11 тур, 4,26%) эгаллади. Эвритерм турлар 132 та (51,16%), стенотерм турлар 126 та (48,83%) ни ташкил этди. Сувнинг шўрланиш даражасига кўра 16 тур галофил, 15 мезогалоб, 6 галофоб, 3 олигогалоб ҳамда 94 тури индифферентлар ҳисобланади;

Самарқанд вилоятидаги балиқчилик ҳовузлари альгофлораси таркибида 144 тур (55,81%) индикатор-сапроб турлар аниқланди. Уларнинг 66 тури олигосапроб, 42 бета-мезосапроб, 22 ксеносапроб ва 14 тур альфа-мезосапроблар. Альгофлоранинг 36 тури алкалофил, 16 тури ацидофиллар бўлиб, 49 тури эса индифферентлар ҳисобланади. Аниқланган сувўтларнинг 134 тури космополит, 5 голартик, 3 аркто-альп, 3 бореал, 2 палеотропик, 1 тури циркумбореал типга мансублиги маълум бўлди.

6. Оқдўнгпешона балиғи ошқозон-ичак аъзоларидан сувўтларнинг 102 тури аниқланди. Уларнинг 51 тури (50,00%) Chlorophyta, 28 тури (13,72%) Bacillariophyta, 13 тури (26,47%) Euglenophyta, 8 тури (7,84%) Cyanoprocarota ва 2 тури (1,96%) Dinophyta бўлимларига мансублиги аниқланди.

7. Янги ташкил этилаётган балиқчилик ҳовузларида ёки янгитдан балиқлантирилиши режалаштирилаётган ҳовузларга кеч кузда гектарига 5-6 тонна чириган гўнг, 120-140 кг фосфорли ўғит солиб, ерни чизель билан ишлов берилиб, баҳорда сувга тўлдириш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.В.02.08 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ

ШЕРНАЗАРОВ ШАВКАТ ШУХРАТОВИЧ

**АЛЬГОФЛОРА РЫБНОГО ХОЗЯЙСТВА
САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ И ЕЁ ЗНАЧЕНИЕ**

03.00.05 – Ботаника

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
БИОЛОГИЧЕСКИХ НАУК**

Самарканд – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2019.1.PhD/B272.

Диссертационная работа выполнена в Самаркандском институте ветеринарной медицины. Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.samdu.uz) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Хамдамов Искандар
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты: Хайдаров Хислат Кудратович
доктор биологических наук, профессор

Бурiev Сулаймон
доктор биологических наук, профессор


Ведущая организация: Гулистанский Государственный университет


Защита диссертации состоится « 20.02 » 2021 года в « 10⁰⁰ » часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.B.02.08 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 130015, г. Самарканд, Университетский бульвар, дом 15. Актовый зал факультета биологии Самаркандского государственного университета. Тел.: (+99866) 239-11-40; факс (+99866) 239-11-40; E-mail: devonxona@samdu.uz).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрировано за № 42). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, дом 15, Центр информационных ресурсов. Тел.: (+99866) 239-11-51), E-mail: m_nasrullaeva@mail.ru.

Автореферат диссертации разослан « 07.02 » 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 12 от « 07.02 » 2021 года)




З. Ражамуродов
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор


М.С. Кузиев
Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктор (PhD) по биологических наук, доцент


Хайдаров Х.К.
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире важно обеспечить население дешевыми, качественными и экологически чистыми продуктами питания, поддерживать устойчивость биоразнообразия в искусственных водоемах, особенно укреплять продовольственную базу для развития рыбной промышленности. В связи с этим сохранение и обогащение биологического разнообразия искусственных водоемов, обеспечение естественного развития гидробионтов и повышение продуктивности рыб с помощью недорогих, экологически чистых методов являются важнейших задач. Важно определить гидробиологические характеристики искусственных рыбоводных прудов, определить современное состояние, провести инвентаризацию и выявить закономерности формирования альгофлоры, разработать эффективные методы оценки сезонных и количественных показателей.

Во всем мире альгологические исследования направлены на определение состояния альгофлоры в искусственных водоемах в районах с сильным антропогенным воздействием на оценку количественных и сезонных характеристик кормовых водорослей в рыбоводных прудах с целью обеспечения населения дешевой, качественной и экологически чистой рыбопродуктом. Биоразнообразие искусственных водоемов в густонаселенных районах, обеспечить его устойчивость, разработать эффективные технологии использования местных и экологически чистых продуктов питания при выращивании рыбопродукты, изучение состава альгофлоры рыбоводных прудов, обоснование роли факторов окружающей среды в формировании в ней альгофлоры, разработка рекомендаций к применению в полевых условиях для повышения рыбопродуктивности путем оценки сезонной и количественной характеристики растительных видов имеет важное научное и практическое значение.

Имеется важные научно-практический значение мониторингу биоразнообразия гидробионтов в искусственных водоемах, где разводятся растительные рыбы, оценке их изменений, инвентаризации, объяснению значения кормовых видов в кормлении растительных рыб и разработка эффективных технологий повышения их продуктивности. В “Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистана”¹ подчеркивается задача «непрерывное развитие сельскохозяйственного производства, дальнейшее укрепление продовольственной безопасности страны, расширение производства экологически чистой продукции». Определение современного таксономического состава альгофлоры рыбоводных прудов Самаркандской области, проведение инвентаризации альгофлоры, обоснование роли факторов окружающей среды в формировании флоры водорослей различных источников питания, оценка

¹ Указ Президента Республики Узбекистана УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года.

сезонных и количественных характеристик фитопланктона растительноядных рыб, увеличение их биомассы а также разработка технологии имеет большое научное и практическое значение.

